# МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

*Илимий-методикалық журнал*

№ 5/2 2024




ПРЕЗИДЕНТ
СОВҒАСИ



ISSN 2181-7138

# МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

*Илимий-методикалық журнал*

***2024***

**5/2-сан**

***Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды***

***Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды. №01-044-санлы гуўалық берилген.***

Нөкис

**5/2-сан *2024***

*октябрь*

***Шөлкемлестириўшилер:***

***Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги,***
***ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы***

**Редактор:**

**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Айтмурат АЛЬНИЯЗОВ
Сапардурды АБАЕВ
Адхамжон АБДУРАШИТОВ
Хайрулла АЛЯМИНОВ
Мавлюда АЧИЛОВА
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Интизар АБДИРИМОВА
Тўлқин АЛЛАЁРОВ
Марифжон АХМЕДОВ
Умида БАҲАДИРОВА
Фархад БАБАШЕВ
Ботир БОЙМЕТОВ
Гулзода БОЙМУРОДОВА
Шахло БОТИРОВА
Комил ГУЛЯМОВ
Маманазар ДЖУМАЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Дилдора ДАВРОНОВА
Мухтар ЕРМЕКБАЕВ (Шимкент, Қазақстан)
Алишер ЖУМАНОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Холбой ИБРАГИМОВ
Шохида ИСТАМОВА
Умида ИБРАГИМОВА
Алима КЕНЖЕБАЕВА (Тараз, Қазақстан)
Джавдод ПЎЛАТОВ
Ярмухаммат МАДАЛИЕВ (Шимкент, Қазақстан)
Меруерт ПАЗЫЛОВА
Пердебай НАЖИМОВ
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Захия НАРИМБЕТОВА
Хушбоқ НОРБЎТАЕВ
Уролбой МИРСАНОВ
Сафо МАТЧОН
Шукурилло МАРДОНОВ
Абдулхамид МИРЗАЕВ
Камаладин МАТЯКУБОВ
Алима МАТКАРИМОВА
Арзы ПАЗЫЛОВ
Барлықбай ПРЕНОВ
Қалыбай ПРИМБЕТОВ
Раъно ОРИПОВА
Бахтиёр РАХИМОВ
Норим РАХМАНОВ
Муқаддас РАХМАНОВА
Дурдона РАХМАТУЛЛАЕВА
Светлана СМИРНОВА (Москва, Россия)
Феруза САПАЕВА
Мухаббат САЛАЕВА
Қаҳҳор ТУРСУНОВ
Амина ТЕМИРБЕКОВА
Нурзода ТОШЕВА
Куанишбек ТУРЕКЕЕВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Саодат ТОШТЕМИРОВА
Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ
Мамбеткерим ҚУДАЙБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Ризамат ШОДИЕВ
Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Тармиза ХУРВАЛИЕВА
Умид ХОДЖАМҚУЛОВ
Жавлонбек ХУДОЙБЕРГЕНОВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА
Гавхар ЭШЧАНОВА
Қонысбай ЮСУПОВ

**Шин А.В.** Управление кадрами в высшем образовании: эффективные модели и подходы ..... 355
**Чориев И.Р.** Современное состояние реализации воспитательной деятельности в высших образовательных организациях ..... 368
**Канлыбаева И.М.** Теоретические аспекты развития творческих способностей будущих психологов ..... 375
**Джумагулов З.У.** Методика развивающего обучения в подготовке будущих учителей технологий ..... 382
**Kodirov O.** Reflective teaching perspectives of el teaching in uzbek schools ..... 386

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

**Adilkariyev X.T., Rasulova A.M.** Konstitutsiya – yangi madaniy-huquqiy renessans poydevori ..... 391
**Talipova Yu.Sh.** Sharq allomalari nigohida “Ustoz-shogird” an’anasining o’rni ..... 404
**Nomozov M. M., Nuraliyev. X. X.** Raqamli kompetentlikning tarix darslaridagi ahamiyati ..... 413
**Xushmatova N.** Konfliktologiya fanining tarixi ..... 417

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

**Pulatova D.A.** Aralash ta’lim sharoitida talabalarni tadqiqotchilik faoliyatiga tayyorlashning zamonaziy yondashuvlari ..... 423
**Raximova X.K.** Media ta’lim metodlari orqali talabalarni kreativ fikrlashga o‘rgatish mexanizmlarining nazariy asoslari ..... 433

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

**Нарманов А.Х.** Бошланғич таълим ёшидаги болалар тарбиясида халқ оғзаки поэтик ижодининг ўрни ва аҳамияти ..... 444
**Achilova M.S.** Maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalar emotsional sohasi psixofiziologiyasining asosiy xususiyatlari ..... 448
**Egamberdiyeva N.A.** Inklyuziv ta’limga jalb qilingan autizm sindromli bolalar bilan ishlashda o‘qituvchi va tyutorning birgalikdagi faoliyati ..... 452
**Tag`onova G.B.** Aqliy rivojlanishda nuqsoni bo`lgan bolalarning o`ziga xos xususiyatlari ..... 457
**Madgapilova N.T.** Maktab va MTT ta’limida innovatsion logistikasini boshqarish va uning pedagogik kontseptual masalalari ..... 461
**Mirkosimova H.M.** Boshlang’ich sinf o’qish savodxonligi darslarida nutq o’stirishning psixologik xususiyatlari ..... 469
**Xusanova N.B.** 6-7 yoshli bolalardagi xavotirli holatlarning psixologik xususiyatlari ..... 475
**Abduraxmanova Sh.B.** Intellektida muammolari bo‘lgan zaif eshituvchi bolalarning predmetli amaliy faoliyatini rivojlantirish metod va vositalari ..... 478
**Saparova U.B.** Tarbiya fani asosida bo’lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarida iqtisodiy tarbiya ko‘nikmalarini shakllantirishda sharq mutafakkirlari tarixiy merosining o‘rni ..... 484
**Shonazarova S.R.** Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida falsafiy aksiologik yondashuvni takomillashtirish metodikasi ..... 492
**Ziyaqulova M.Sh.** Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida shaxslararo muloqot madaniyatini shakllantirish ..... 498
**Bobomurotov S.M.** Boshlang‘ich ta’limda variativ tushunchalarni shakllantirishning psixologik-pedagogik asoslari ..... 503
**Gimazutdinov R.G.** Boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga badminton o‘yni texnikalarini o‘rgatish metodikasi ..... 508

# БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ПОЭТИК ИЖОДИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

***Нарманов А.Х.***
*Чирчиқ давлат педагогика университети бошланғич таълим ва амалиёти кафедраси п.ф.ф.д (PhD) dotsent v.b.*

**Tayanch iboralar:** сюжет, эртак, афсона, нақл, ривоят, лоф, латифа, мақол  топишмоқ.
**Ключевые слова:** сюжет, сказка, легенда, погоровка, повествование, чвала, анекдот, пословица, закадка.
**Key words:** plot, fairy, tale, legend, pogorovka, narration, chvala, anecdote, proverb, riddle.

**Резюме:**
Ушбу мақолада бошланғич таълим ёшидаги болалар тарбиясида халқ оғзаки поэтик ижодининг ўрни ва аҳамиятининг қисқачамазмуни баён этилган.
**Резюме:**
В данной статье обобщены роль и значение народной устной поэзии в воспитании детей младшего школьного возраста.
**Summary:**
This article summarizes the role and importance of folk oral poetry in the education of children of primary school age.

Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди миллий қадрият ва маданиятимизнинг ажралмас қисмидир. Халқимиз ўзининг бой ва бетакрор оғзаки ижод намуналари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Миллий адабиётимизнинг оғзаки шаклдаги дастлабки намуналари сифатида унда халқимизнинг узоқ йиллик анъана ва қадриятлари, этнографияси, орзу-умидлари, интилишлари, тили, маданияти, педагогик қарашлари ўз ифодасини топган. Мазкур адабий хазинани адабиётшунослик, тилшунослик, ахлоқшунослик, диншунослик, тарихий, фалсафий ва педагогик нуқтаи назардан илмий таҳлил қилиш қилиш мазкур фан соҳлари учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий хулосаларни тақдим этади. Хусусан, педагогик нуқтаи назардан ХОПИ намунларини таҳлил қилиш халқ педагогикасининг назарий асосларини мутаҳкамлаш, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, халқимизнинг тарихий тараққиёт тадрижида дўстлик, адолат,

тенглик каби умуминсоний тушунчаларнинг амалий талқинини кўриш, муайян илмий хулосалар чиқариш имкониятини беради.

ХОПИни илмий асосда тадқиқ қилиш, ўрганишда илмий ёндашув ва халқимиз тафаккури тадрижида фольклор асарларига нисбатан тадқиқотчиларнинг муносабати масаласини инобатга олиш зарур. Умуман, фольклорни ўрганишнинг илдизи антик дунё илмий тафаккурига бориб тақалади. Шу маънода, дунё илм-фани ривожида катта аҳамиятга эга бўлган қадимги сайёҳлар ва тарих билимдонларининг фольклор намуналари борасидаги қайдлари, фикр-мулоҳазалари ХОПИ тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга манбалар сифатида қаралади.

Ўзбек ХОПИ намуналарини таҳлил қилиш, уларни келгуси авлодга етказиш билан боғлиқ дастлабки ишларни машҳур тилшунос олим Маҳмуд Кошғарий амалга оширган. “Девону туғотит-турк” асари ўзида кўплаб фольклор намуналарини бирлаштирган асар ҳисобланади. Олим туркий сўз ва ибораларнинг лексик маъносини изоҳлаш, уларни таҳлил қилиш ва тушунтириш мақсадида мақол, афсона, қўшиқ каби фольклор намунларидан фойдаланган.

ХОПИ ёзма адабиётдан ўзининг қуйидаги хусусиятларига кўра фарқ қилади:

- оғзаки тарзда ижод ва ижро қилиниши;
- муаллиф сифатида халққа нисбат берилиши;
- кучли анъанвийлик хусусиятига эгалик;
- муаллифнинг анонимлиги;
- бир неча вариантга эгалик.

Мазкур хусусиятлар ХОПИнинг ўзига хослигини белгилайди ва яратилган асарларни таҳлил қилишда уларни инобатга олиш зарур. ХОПИ намуналарининг йиллар давомида оғзаки шаклада яратилии ва ижро этиб келинаётгани мазкур асарларнинг композицияси, структураси, сюжети ва мазмунига бевосита ўз таъсирини ўтказади. Халқ оғзаки ижод намуналарида тарихий асосга эга бўлган фактлар мавжуд ва улар оғиздан оғизга кўчиши натижасида муайян даражада реалликдан узоқлашиши, бадиий тўқима билан бойитилиши, ўзгаришларга учраши ҳам мумкин. Шундай вазиятларда халқ оғзаки ижод намуналарини ўқиш ва таҳлил қилиш жараёнида ўқувчи ёки тадқиқотчидан муайян тарихий билим ва кўникмаларга эга бўлиш ҳам талаб қилинади.

Фольклор – синкретик хусусиятга эга бўлиб, бир нечта санъат турларига хос элементларни ўзида мужассамлаштиради. Унинг талай намуналари сўз ва куй уйғунлигида ижро этилади. Аксарият фольклор асарларида сўз

етакчи ўринни эгаллайди. Эртак, афсона, нақл, ривоят, лоф, латифа, мақол ва топишмоқ жанрлари шундай характерга эга. Халқ эртаклари ва драмасида ҳаракат ва мимика, куй ғоявий-бадиий мазмунни ифодалашда бир қадар аҳамият касб этса-да, барибир, сўз мазмунни очувчи асосий восита бўлиб қолаверади. Бу эса фольклорнинг сўз санъати сифатидаги моҳиятини тўла-тўкис тасдиқлайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелда “Бахшичилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, унда жумладан шундай дейилади: “Айни пайтда бахшичилик ва достончилик санъатининг тарихи, бахшилар ва достончилар ижодини мукаммал ўрганиш, бу борада фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, ХОПИ ёдгорликларини тўплаш, нашр этиш юзасидан яна кўпгина чора-тадбирларни амалга оширишга эҳтиёж сезилмоқда.”

2021 йил 16 декабрда ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни асраш ҳукуматлараро қўмитаси томонидан Бахшичилик санъати Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани катта воқелик бўлди. Шу муносабат билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев бахшичилик санъати намояндалари ва мухлисларига табрик йўллади. Мазкур табрикда “Бу юксак эътироф дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданиятига, ранг-баранг ижодий мактаблар ва изчил ривожланиш силсиласига эга бўлган ноёб бахшичилик санъатига улкан ҳурмат-эътиборининг ёрқин ифодасидир”, дейилади.

Фольклор намунлари ёшларнинг, хусусан, мактаб ўқувчиларининг нутқини ўстиришда, уларни халқ донишмандлиги дурдоналари билан таништиришда ҳамда уларда халқчил хислатларни тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчилар бошланғич синфлардан бошлаб ХОПИ намунлари билан танишадилар. Ўқитувчи уларга фольклор асарларидаги теран фалсафий мазмунни таништиради. Кейинроқ, уларнинг ўзлари ҳам синфда ўрганган мақолларига яқин мақол ва ҳикматларни ота-оналаридан, ўқиган китобларидан тўплашга интиладилар. Ўқувчилардаги мазкур хатти-ҳаракатлар замирида уларнинг халқ мақоллари мазмунига нисбатан теран ҳурматни, уларнинг аҳамияти борасида чуқур мушоҳада қилаётганини тушунишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки болалар нутқини турли омиллар воситасида ривожлантиришга нисбатан компетенциявий ёндашув уларда ахборот-коммуникатив компетенцияларни шакллантиришга,

ижтимоий муносабатларга тез ва осон киришиш кўникмаларини қарор топтиришга, фанларни ўзлаштиришдаги сифатни таъминлашга ёрдам беради. Бола нутқининг тўғри шаклланиши, асосан, бошланғич таълимда изга солинади ва ўрта таълимда такомиллаштирилади. Нутқ – шахс фаолиятининг тури бўлиб, тил воситалари асосида тафаккурни ишга солиш билан намоён бўлади.

**Адабиётлар:**


1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига 5-илова / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Бахшичилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2018 йил 26 апрель, 304-сон / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.04.2018 й., 09/18/304/1109-сон; 09.03.2019 й., 09/19/199/2729-сон.
3. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари. - Т.: 2002
4. Ахмаджонова М.Э., Маматкулова Д.Б. Бошланғич синф ўқувчиларини оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш тизими // Молодой учёный. 2017. -№4.2 (138.2). –С.6-8.
5. Бабанский Ю.К. Избранные педагогические труды / [сост. М. Ю. Бабанский ; авт. вступ. ст. Г. Н. Филонов, Г. А. Победоносцев, А. М. Моисеев ; авт. коммент. А. М. Моисеев] ; Акад. пед. наук СССР. - М. : Педагогика, 1989.
6. Болтаева Б. Бошлангич синфларда луғат устида ишлашда иборaларни ўрганиш. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. – Тошкент:. – 2018.
7. К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров. Ўзбек ХОПИ. Т.: «Ўқитувчи», 1990. –Б.5.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Бахшичилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2018 йил 26 апрель, 304-сон / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.04.2018 й., 09/18/304/1109-сон; 09.03.2019 й., 09/19/199/2729-сон
9. Бахшичилик – минг йилликлар билан юзлашган халқона боқий санъат / https://uza.uz/uz/posts/ baxshichilik-ming-yilliklar-bilan-yuzlashgan-xalqona-va-boqiy-sanat_331757.

ISSN 2181-7138

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы Қарақалпақстан филиалы

# «МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ»

**№** 5/2

Нөкис — 2024

Басып шығыўға жуўапкер:

*А. Тилегенов, С. Нуржанов*

Баспаға таярлаған:

*А. Тилегенов*

Компьютерде таярлаған:

*П. Реймбаев, З. Ниязымбетова*

***Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54***
***Тел.: +998 61 224-23-00, +998 61 224-01-34***
***e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,***
***mugallim-pednauk@umail.uz***
***www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz***
***www.KRTEACH.UZ***

***Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.***

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 09.10.2024. Форматы 70x100$^1/_8$
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шәртли б.т. 31. Нашр. т. Нусқасы _____ Буйыртпа №